**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**ФАРМАЦИЯ ФАКУЛТЕТИ, КАЙТА ТАЙЁРЛАШ КУРСИ**

**ФАРМАЦЕВТИКА ИШИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ КАФЕДРАСИ**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Қўлёзма хуқуқида**

**НАРКУЛОВ МАНСУР АБДУЛАЗИЗОВИЧ**

# МАВЗУ:Ўзбекистонда қайд этилган тиббий техника ва тиббий буюмларни контент таҳлили

**Илмий рахбар:** **ФИТҚ кафедраси катта ўқитувчи Зияева М.Н.**

**Такризчи:** **ф.ф.н.,доц. Абдуллаева Х.Қ.**

TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI
KUTUBXONASI

**ТОШКЕНТ 20[illegible]**

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

Фармация факультети ФПТК

кафедраси Қайта тайёрлаш йўналиши 1/1 гурухи

Тасдиқлайман 2013й. 29.10 №5

Кафедра мудири [signature]

200 йил «_____» __________

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба Наркулов Мансур Абдулазизович

(фамилияси, исми, шарифи)

1. Битирув ишининг мавзуси Ўзбекистонда қайд этилган тиббий техника ва тиббий буюмларни контент таҳлили

2013й. «13» октябрь кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув иши топшириш муддати 20.06.2014

3. Битирув ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар Адабиётлар, Ахборот маълумотлар, интернет материаллари

4. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати) Ахборот маълумотларни контент-таҳлили ёрдамида [illegible]

5. Чизма ишлар рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади)

1. тиббий техникани таҳлил натижалари.
2. Тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчилар бўйича таҳлил натижалари
3. ишлаб чиқарувчи давлатлар бўйича таҳлил
4. in vitro ташхис воситаларининг таҳлил натижалари

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчи(лар):

| № | Бўлим мавзуси | Маслаҳатчи ўқитувчи ф.и.ш. | Имзо, сана | |
|---|---|---|---|---|
| | | | топшириқ берилди | топшириқ бажарилди |
| 1. | Адабиётлар шарҳи | Зияева М.Н | сентябрь-октябрь | бажарилди |
| 2. | Қайд этиш бўйича маълумот тўплаш | Зияева М.Н. | ноябрь-декабрь | бажарилди |
| 3 | Олинган маълумотларни қайта ишлаш | Зияева М.Н | январь-март | бажарилди |
| | | | | |

7. Битирув ишини бажариш режаси

| № | Битирув иши босқичларининг номи | Бажариш муддати (сана) | Текширувдан ўтганлик белгиси |
|---|---|---|---|
| | Кириш | октябрь | бажарилди |
| | Адабиётлар шарҳи | ноябрь | бажарилди |
| | товарлар таърифи, таснифи | январь | бажарилди |
| | товарлар ассортименти | февраль | бажарилди |
| | тиббий тов. таснифи ва таърифи | март | бажарилди |
| | Амалий қисм | март | бажарилди |
| | Тиб.техникани таҳлили | апрель | бажарилди |
| | тиб. буюмлар таҳлили | апрель | бажарилди |
| | in vitro таш.вос. таҳлили | май | бажарилди |
| | Хулоса | май | бажарилди |

Битирув иши раҳбари Зияева Мавлюда Натановна ________ 
(фамилияси, исми, шарифи) (имзо)

Топшириқни бажаришга олдим Норкулов М.А ________ 
(фамилияси, исми, шарифи) (имзо)

Топшириқ берилган сана 200___йил

## МУНДАРИЖА

I. Кириш......................................................................................2

II. Адабиётлар шархи........................................................................5

2.1.Товарлар таърифи, таснифи ва тавсифлари.................................5

2.2.Товарлар ассортименти хакида тушунча…………………………........12

2.3. Тиббий товарларнинг таснифи ва таърифи………………….............21

III. Амалий қисм. Ўзбекистонда қайд этилган тиббий техника, тиббий буюм ва in vitro ташхис воситаларининг контент таҳлили.....................................................................................33

3.1.Тиббий техника буйича кайд этиш натижаларининг тахлили.........33

3.2. Тиббий буюмларнинг кайд этиш натижаларининг тахлили..........44

3.3.In vitro ташхис воситаларининг кайд этиш натижаларининг тахлили..........................................................................................51

3.4.Тиббиёт товарларини етказиб бериш...........................................53

IV.Ҳулоса..........................................................................................56

V. Адабиётлар рўйхати ......................................................................60

## Кириш

Маркетинг тадқиқотларни ўтказишда кўплаб усуллардан фойдаланилади: ретроспектив, проспектив, социологик сўров, демографик ҳолатини таҳлил қилиш, аналитик, иқтисодий - математик ва бошқалар [4,17].

Аналитик усуллардан бири бўлмиш контент таҳлил (инглизча - content) мазмуни статистик маълумотлар, социал фактлар, ҳужжатлар мазмунини аниқлаш, ўлчаш мақсадида ишлатилади [19].

Контент - таҳлилнинг алоҳида мақсади: ҳужжатларни таҳлилида илмий ёндашиш ва асослаш. Ҳозирги кунда тиббиётда фармацияда ва бошқа соҳаларда

кенг қўлланиб келмоқда.

Contents-analysis терминининг пайдо бўлиши XIX асрнинг охири XX-асрнинг бошига тўғри келади. Замонавий контент таҳлилни ихтирочиси сифатида, кўпинча америка социологи. Г. Лассуэлл ва француз журналисти Ж. Кайзер номлари айтилади. Контент-таҳлил изланишлари асосий усулдан бири бўлиб қўлланилиши мумкин. Масалан. Агар вазифа қайд этиш жараёнининг натижаларини, ёки бошқа усуллар билан тўлдирганда, масалан анкета сўровларининг натижаларини таҳлил қилишда [20]

Контент-таҳлил - аниқ тадқиқот дастурининг ишланмаси, яъни асосий

масалалар таърифи тадқиқот услублари, гипотезалари натижаларини умумлаштириш, гуруҳлашдан иборат.

Фармацевтика со ҳасида контент-таҳлил ёрдамида, кўплаб маълумотларни ўрганиш уларни бир тизимга тушириш, натижаларини гуруҳлаш ва олинган натижалардан фойдаланиш тизими яратилган [78].

Маркетинг тадқиқотларга, жуда кўплаб изланишлар учун бу услублардан фойдаланиб, натижаларни тўплашган. натижалар аниқ бир тасаввур яратади [76].

## 2.1. Товар, таърифи ва таснифи

Товар - инсоннинг аниқ эҳтиёжларини қондириш учун истеъмол қийматига эга ишлаб чиқарилган маҳсулотдир.

Товар - ишлаб чиқарувчи фаолиятнинг истеъмолчига шартнома бўйича сотиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумладан импорт маҳсулоти.[1]

Истеъмолчи - фойда чиқариб олиш билан боғлиқ бўлмаган шахсий истеъмол ёки бошқа мулкда фойдаланиш мақсадида товар сотиб олувчи, иш хизматига буюртма берувчи ёки шу ниятда бўлган фуқаро (жисмоний шахс).

Товарлар бир қанча белгиларига қараб гуруҳларга [6]

бўлинади. Уларнинг орасидаги асосийси бажарадиган вазифасидир. Вазифага кўра, улар қуйидаги турларга бўлинади.

- Истеъмол товарлар - якка тартибдаги истеъмолчиларнинг шахсан фойдаланишларига мўлжалланган товар турлари;
- Саноат товарлари бошқа товарларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган ва унинг хом ашё ва технологик таъминотини яратувчи товар-турлари;
- ташкилий техника товарлари маъмурий-бошқарув фаолиятини ташкил қилишни енгиллашга мўлжалланган товар турлари.

Товарларнинг ҳар бир тури туркумларга бўлинади. Тақсимлаш асосини товарларнинг вазифаси ва эҳтиёжларини

қондириш ташкил этади.
Товарлар туркуми - эҳтиёжлар-нинг умумлаштирилган туркум-ларни қондирувчи кўплаб товар-лардан иборат. Истеъмол товар-ларнинг туркумларидан бири тиббиёт товарлари туркумидир.
Тиббиёт товарлар туркуми инсон саломатлигини таъмин-лашда истеъмолий эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган: тоза-лик қўйиш, даволаш ва касалликнинг олдини олишда қўлланилади. Шунингдек шахсий гигиена воситалари, беморларни парвариш қилиш буюмларни сифатида, тез ёрдам кўрсатиш учун фойдаланилади. [4].

# Товарнинг асосий тавсифлари.

Тавсиф – предмет ёки ходисанинг фаркли хоссалари, белгилари йиғиндиси. Мазкур таърифга асосланиб: товарларнинг асосий товаршунослик тавсифларини ифодалаш мумкин [6].

Товарлар товаршунослик фаолиятининг объектлари сифатида 4 хил тавсифларга эга: сифат, микдор, ассортимент ва қиймат тавсифларига эга [3].

Улар товарнинг истеъмол қийматини яратиб, инсоннинг ҳақиқий эҳтиёжлари (физиологик, ижтимоий, психологик ва ҳоказо)ни қондириш.

Товарларнинг сифат тавсифи турли хил эҳтиёжларни қондириш қобилиятига эга бўлган шу умумий хоссалар

ўйғиндиси. Бу ассортимент билан узвий бўлганида, чунки уларга умумий хосса вазифа хосдир. Сифат тавсифида хавфсизлик ва экологик (атроф-муҳитга нисбатан) тозалик хоссаси муҳим ўрин эгаллайди.

Товарларнинг миқдор тавсифи - товарларга рақамлар, ўлчамлар ёрдамида таъриф берилган иборат [9].

Товарларнинг ассортимент тавсифи - товарларнинг функционал ёки ижтимоий вазифасини аниқловчи товарларнинг фарқли турли хоссалар ва белгилар йиғиндисидир. Бундай тавсиф гуруҳ, кичик гуруҳ, тур, хилма-хиллиги, номи, савдо русумини ўз ичига олиб, товарнинг битта тури ёки бошқа тури номидан ажра-

дий тафовутларни белгилайди.
Масалан, тиббий анотомик арра (бирмунча юмшоқ суякларни арралашда ишлатилади), ромли арра (йирик суяклар учун) ва пичокли арра (бармоқларнинг суякларини кесиб ташлаш - ампутатсия қилиш учун) бир-биридан функционал вазифалари билан фарқ қилади. Мазкур тафовутлар уларнинг сифат тавсияларига боғлиқдир[7].
Ассортимент тавсифи товарларнинг энг муҳим тавсифларидан бири бўлиб, ҳар хил турлари ва номлардаги товарлар ўртасидаги текидий тафовутларни аниқлайди.[10].
Юқорида кўрсатилган барча тавсифлар товарлар қиймати билан албатта боғлиқ, чунки бу товарларни ишлаб чиқариш ва истеъмолчига ет-

қазиб бериш харакатларини ўз ичига олади.

Товарларнинг истеъмол қиймати вазифасига кўра уларни ички ёки ташқи мақсадларда ишлатилиши учун фойдаланиш ёки ишлатиш йўли билан истеъмол қилиш жараёнида намоён бўлади.

Тиббиёт товарларнинг истеъмол қиймати уларнинг асосий товаршунослик тавсифлари орқали намоён бўлади.[7].

## 2.2. Товарлар ассортименти ҳақида тушунча

Товарлар ассортименти (франц. ассортимент – танлаш) - муайян белгилар бўйича шакллантирилган ва турли хил ўхшаш ҳамда икки тартибдаги эҳтиёжларни қондирадиган товарлар туплами. [12].

Товарлар ассортименти истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланади.

Бундай товарлар ассортименти жойлашуви, қамраб олиши бўйича, эҳтиёжларни қондириш даражаси, шаклланиш усулига кўра турларга бўлинади. [10].

Товарлар жойлашувига кўра саноат ва савдо ассортиментига бўлинади.

Саноат (ишлаб чиқарувчи) ассортименти – ишлаб чиқарувчи томон-

дан ўзининг ишлаб чиқариш имкониятларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариладиган товарлар тўплами.

Корхоналар кўпинча кичик ассортиментдаги товарларни ишлаб чиқаради[2].

Масалан, фармацевтик корхоналар фақат дори препаратлари ёки тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариши мумкин.

Мисоллар:

Бундай корхоналарда янги технологияларни татбиқ этиш имкони мавжуд, товарлар ассортиментини такомиллаштириб сифати яхшиланади[5].

Савдо ассортименти - савдо томонидан унинг ихтисоси, истеъмол талаби ва моддий техника базаси асосида шаклланадиган товарлар тўплами[9].

Савдо ассортиментининг саноат ассортиментидан фарқи шундаки, у қоидага кўра, турли тайёрловчилар товарларидан тузилади.

Ассортимент қамраб олишда даражасига кўра қуйидаги турларга бўлинади: оддий, мураккаб, гуруҳли кенг қўламдаги, аралаш [4].

Оддий ассортимент - эҳтиёжларининг чекланган сонини қондирадиган товарлар гуруҳлар, турлари ва номларининг кам миқдорини билдирадиган товарлар тўплами. Мазкур товарлар тўплами кундалик талаби тиббиёт товарларини сотувчи дорихоналар ва „Тиббиёт техника" дўконларига хосдир [2].

Мураккаб ассортимент - товарларга нисбатан турлича эҳтиёжларини қондирадиган товарларнинг катта миқдордаги гуруҳлар, турлари

ҳилма-хиллиги ва номларини билдирадиган бир турли товар-лар тўплами.

Гуруҳий ассортимент - белгиларига биноан ўхшаш-лиги бўйича бирлаштирган ва шунга ўхшаш эҳтиёжларни қондирадиган бир турдаги товарлар тўплами[5].

Турли ассортимент - шунга ўхшаш эҳтиёжларни қон-дирадиган ҳар хил турлар ва номли товарлар тўплами.

Русумли ассортимент - бир турдаги, русумли номлар ёки русумли товарлар ку-шидаги гуруҳига мансуб товарлар тўплами[11]. Бундай товарлар физиологик эҳти-ёжларни қондириш билан бир қаторда сезиларли даражада ижтимоий ва психологик эҳтиёжларни

қондиришга мўлжалланган.

Кенг ассортимент - кўплаб хиллик гуруҳлар, турлар, хилма-хиллиги, номлари, шу тоифадан бир турлилар гуруҳига мансуб бўлган, лекин якка тартибда ўзига хос белгилари билан ажралиб турадиган русумларга тегишли товарлар тўплами.

Кўмакдаги ассортимент - ёрдамчи вазифаларни бажарадиган ва ушбу тадқиқот учун асосий ассортиментга мансуб бўлмаган товарлар тўплами [14].

Аралаш ассортимент - вазифаларига кўра катта-хилма-хиллиги билан фарқланадиган турли гуруҳлар, турлар номларга эга бўлган товарлар тўплами [12].

Эҳтиёжларни қондириш даражасига кўра, товарлар



KUTUBXONASI

оқилона ва мутадил ассор-
тиментларга бўлинади.

Оқилона ассортимент – илм-фан, техника ва технология-ларнинг муайян тараққиёти даражасида турмушнинг мақсадга мувофиқ сифатини таъминлайдиган, ҳаётий асосланган эҳтиёжларни қондирадиган товарлар тўплами [12].

Мутадил ассортимент – лойиҳалашга, ишлаб чиқаришни тайёрлашга ва истеъмолчига етказишга кам харажатли, фойдали, самарали ҳаётий эҳтиёжларни қондирадиган товарлар тўплами.

Мажбурий ассортимент – тармоқлараро корхоналар фаолиятини тартибга солиш ҳамда аҳоли таъминотига кафолат бериш мақсадида давлат бошқарув органлари томонидан киритилган.

TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI
KUTUBXONASI

## Ассортимент кўрсаткичлари

Ассортимент хусусиятлари - ассортиментни шакллантиришда намоён бўладиган унинг махсус сифатлари.

Ассортимент кўрсаткичлари - ассортимент хусусиятларининг миқдорий ифодаланиши, товарларнинг турлари ва номларининг сони билан ўлчанади.

Ассортимент кенглиги - бир турдаги ва ҳар хил гуруҳга мансуб товарларнинг турлари, хилма-хиллиги ва номларининг миқдори. Ассортимент кенглиги бозорни товарлар билан тўлдиришнинг билвосита кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин: қамров қанча кенг бўлса, бозорни тўлдириш ҳам шунча қамровли бўлади [6].

Ассортимент кенглиги кўрсаткичи бозорни тўлалигига, шунингдек талаб ҳолатига бог-

лик холда қўлланилади.

Ассортимент тўлалиги – бир турдаги товарлар тўпламининг бир хил эҳтиёжларини қондириш қобилияти. Тўлалик бир хил гуруҳга мансуб товарларнинг турлари, хилма-хиллиги ва номларининг миқдори билан тавсифланади [14].

Ассортиментнинг барқарорлиги товарлар тўпламининг бир хил товарларга нисбатан талабни қондириш қобилиятидир. Бундай - товарларнинг алоҳида хусусиятлари - уларга барқарор талабнинг мавжудлигидир. [12].

Янгилаш - ташкилотнинг ассортимент бўйича сиёсати йўналишларидан бири бўлиб, и қуйидаги қоидага кўра тўлдирилган бозор шароитларида амал оширилади.

Ассортимент кенглиги (АС К) - бир турдаги ва хар хил гу-

руҳга мансуб товарларнинг турлари, нима-қилиги ва номлари миқдоридир. Ассортимент кенглиги бозорни товарлар билан тўлдиришнинг бирвосита кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин [5, 10].

## 2.3. Тиббий товарларнинг таснифи, таърифи

Тиббиёт товарлари тиббиётда ташхис қўйиш, даволаш ва профилактика мақсадларида фойдаланиладиган ашёлар ва буюмларга ажратилади.

Ашёлар - даволаш касалликнинг олдини олиш жараёнида бир марта фойдаланиш ва шундан сўнг ёқотиладиган тиббий товарлар гуруҳидир (боғлаш, тикиш, ашёлари ва бошқалар).

Буюмлар - бир неча марта фойдаланиладиган пишиқ ашёлардан тайёрланадиган тиббий товарлар гуруҳидир. Мазкур гуруҳга асбоблар, приборлар, аппаратлар, ускуналар, тиббий мақсадлардаги буюмлар, ҳамда in vitro ташхис буюмлари бирлаштирилган [5,9].

Тиббий буюмлар мақсадларда фойдаланиладиган асбоблар, мосламалар, қурилмалар. приборлар аппаратлар, тўпламлар, ускуналар.

реагентлар, назорат материаллари ва ҳ.к. тиббий буюмларнинг асосий мақсади - касалликни олдини олиш (профилактика), ташхис қўйиш, касалликларни даволаш, ногиронларнинг саломатлигини тиклаш (реабилитатция қилиш), тиббий муолажаларни ўтказиш ва бошқаларга мўлжалланган.

Тиббий техника - тиббиёт амалиётида фойдаланишга мўлжалланган тиббий техника буюмлари ҳамда тиббий мақсадга эга бўлган уларнинг таркибий қисмлари: ускуналар, аппаратлар, ускуналар, тўпламлар [7].

Тиббий асбоблар - профилактика, ташхис қўйиш, даволаш, текшириш муолажаларини ўтказиш учун мўлжалланган техник воситалардир. Тиббий техника асбоблар асосан ихтисослаштирилган корхоналарда номенклатура

бўйича тайёрланадиган энг кўп сонли тиббий буюмлар гуруҳидир. Тиббий асбобларни кўп миқдорда ишлаб чиқариш, асбобларнинг турли замонавий ассортиментини кўпайтириш ва кенгайтириш янги технологияларнинг ривожланишига боғлиқдир. Товарлар номенклатурасида умумий жарроҳлик ва махсус (нейрожарроҳлик, офтальмология, абдоминал жарроҳлик, акушер-гинекология, урология ва шу кабилар) операциялардан кўп ишлатилган жарроҳлик асбоблари салмоқли ўрин тутади [13]. Ўзбекистон фармацевтика бозорида ушбу асбоблар тиббиёт ходимларининг ҳамда аҳоли талабларини қондириш мақсадида асосан хорижий мамлакатлардан олиб кирилмоқда. Жаҳон бўйича жуда машҳур ишлаб чиқарувчи компаниялардан

Карл Цейс (Германия), Карл Шторц (Германия), Казанский медико-инструментальный завод (МИЗ) (Россия) лар каби мулаб чиқарувчиларнинг маҳсулотлари республикада қайд этилган (илова) [20]

Тиббий ускуналар (приборлар) – ташхис қўйиш ёки профилактика мақсадида инсон организмининг ҳолати ҳақидаги ўлчашлар ахборотини олиш, тўплаш ва (ёки) таҳлил қилиш, ҳамда акс эттириш учун мўлжалланган тиббий техника буюмлари. Тиббий ускуналар – бемор ҳолатига оид маълумотни олиш, ташхис қўйиш ёки меъёрдан оғишларни аниқлаш имконини берадиган қурилмалардир. Ускуналар кўрсатувчи, қайд этувчи ва комбинациялашган бўлади [7].

Кўрсатувчи ускуналар ўлчанаётган миқдорларни кўз билан

асбобнинг ҳисоб-рақам қурилмаси бўйича (ионометр, термометр ва ҳ.к.) аниқлаш мумкин бўлган асбоблар-дир.

Қайд этувчи ускуналарда ўлчанаётган миқдорнинг аналитик нуқтаси ёки вақти-вақти билан у ёки бу усул ёрдамида кўпинча қоғоз тасмасида сиёҳ ёки киноплёнкада ёруғ нур билан қайд этилади. Мазкур ускуналар ўзи ёзувчи (кардиографлар, енсефалографлар ва ҳ.к) деб аталади.[9].

Комбинирлоган ускуналарда индификация, шунингдек ўлчанаётган миқдорни қайд этиш амалга оширилади. Ёзилган жараёнларни таҳлил қилиш бўйича асбоблар ва қурилмалар мавжуд.[17].

Тиббий аппаратлар - инсон организмига даволаш ёки профилактик таъсирини кўрсатиш, ёки организмдаги органлар ва тизимлар-

ўрнини босиш ёмуд функцияларини тузатиш учун мўлжалланган тиббий техника буюмлари [18].

тиббий аппаратлар - бирор турдаги қувват (иссиқлик, нурланиш, electр) ни организмга узатиш ёки танлаб, муайян функционал тизимга ёки аъзо (аъзолар гуруҳи) га таъсир кўрсатиш мақсадида генерация қилувчи қурилмалардир. Организмнинг у ёки бу функционал тизимларини муайян вақт давомида ўрнини босадиган мосламалар аппаратлар сирасига киради. (,,Сунъий буйрак" аппарати, ўпканинг сунъий вентиляцияси учун аппарат ва ҳ.к.) [14].

тиббий жиҳозлар - даволаш-профилактикани олдини олиш жараёнларини амалга оширишда беморлар ва тиббиёт ходимлари учун қулай шарт-шароитларни яратувчи тиббий техник қурилма-

лар йиғиндисидир. Тиббий товарларни ишлаб чиқариш ҳажмида тиббий жиҳозлар охирги ўринни эгаллайди ва буюмлар номенклатураси бўйича энг кўп сони ҳисобланади. Шифохона ускуналарининг барча турлари ва тиббий жиҳозлар (функционал, операция курсилари, ёритгичлар, зам бинтоптаклар, стоматологик ва гинекологик ўриндиқлар, жавонлар, асбоблар ва дори воситалар учун курсилар ва ҳ.к.), шунингдек даволаш-ташхис тадбирларини ўтказишда асептик шароитни таъминлайдиган қурилмалар (стерилизаторларнинг ҳар хил турлари, дезинфекция жиҳозлари) тиббий жиҳозлар тоифасига киради.[13].

Жиҳоз аппарат, асбоб-ускуналарнинг сифати уларнинг қулайлиги, топширилган юкларни қандай кўтариши, хизмат кўрса-

тувчи ходимлар ёки техник мосламаларнинг ўлчами ҳаракатлари таъсирида қисмларнинг майин кучини билан белгиланади. Мазкур кўрсаткичларни назорат қилиш асбоб ускуналарнинг ҳар бир ҳаракатини синовдан ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

In vitro ташхис воситалари - тест-тизим ва тест-тасмалар, реагентлар, калибраторлар, анализаторлар, текшириш ашёларидан таркиб топган ташхис қўйиш учун тиббий буюмлардир. Тест-тасмалар ҳомиладорлик, қандли диабет, сифилис, ошқозон касалликлари, гепатит, ревматоид артрит, сил касаллиги, қон таркибида глюкоза ва холестерин миқдорини ўлчаш имконини тезлик билан ва қисқа муддат ичида яратиб беради [9].

Тиббий мақсадлар учун ишла-

тиладиган буюмлар – муолажаларни ўтказиш, беморларни парваришлаш учун фойдаланиладиган буюмлар, санитария – гигиена буюмлари, протезлар, имплантантлар, бир марталик шприц ва игналар, дори, қон ва суюқликларни томчилаб қуйиш тизимлари ва бошқаларни ташкил қилади[8].

Энди асосий атамалар ва тушунчаларга эга бўлиб, тиббий товарларнинг ўзига хос хусусиятларини фарқлаганимиздан кейин, у бўйича таснифлаш ўтказиладиган аломатни ажратиб олишимиз керак.

Ҳар қандай тиббий товарларнинг энг муҳим (асосий фарқланувчи) хусусияти – унинг мақсади, яъни бажарадиган функциясидан иборат (лат. функтио – ижро).

Тиббий товарларни, уларнинг функционал вазифаси бўйича тас-

нифлаш тизимига рус олимлари томонидан тавсия қилинган.
Аппаратиш учун асос олинган тиббий буюмларнинг функционал вазифаси таъҳлил қилиш ва даволаш жараёнида унинг ўзига хос тутган ўрнини аниқ белгилаш ҳамда таснифлашда нечасини ўрни-ни эгаллаш имконини беради [14].
Аппаратиш учун қабул қилинган асос - функционал вазифаси - тиббий буюмлар-нинг таснифланиши давоми-да бошқа алоқаторлар билан алмашиб қолмаслиги лозим.
Ушбу талаб ҳар қандай бошқа таснифларни яратиш учун асос бўлиб қолиши зарур.
Мазкур тушунчаларга мувофиқ, тиббий товарларнинг функционал вазифасидан фой-

доланган ҳолда уларни қуйидагича таснифлаш мумкин.

Тиббий буюмлар тиббий техника гуруҳини, тиббий мақсадлаги буюмлар ва ишга тушиш буюмларини ўз ичига олади.

Тиббий техника гуруҳи асбоблар, аппаратлар, ускуна (прибор) лар ва жиҳозлардан таркиб топган.[21]

Тиббий мақсадларда ишлатиладиган буюмлар гуруҳига боғлов ашёлар ва воситалар, тикув ашёлари, санитария-гигиена ҳамда беморларни парваришлашда ишлатиладиган буюмлар, шприц ва игналар, протезлар, имплантлар ва ҳ.к. киритилган.

Тиббий товарларнинг бундай гуруҳлар бўйича таснифоти, уларни товаршунослик нуқтаи ёрдамида тўғри ўрганиб чиқиш,

қабул қилишда тўғри расмий-лаштириш ҳамда сақлаш тартибини талабларга мувофиқ ётга қўйиш имконини яратади.

Товарлар ҳаракати бўйича кўпинча импорт, экспорт ҳамда транзит товарларга бўлинади;

- импорт товарлар - хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган ва Ўзбекистон Республикасига кириб келган товарлардир.

Шунингдек Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ва экспорт қилингандан кейин яна ўзимизга кириб келган товарлар ҳам шу гуруҳга киради (реэкспорт).

- экспорт товарлар - Ўзбекистондан чиқиб кетаётган товарлар.

- транзит товарлар - бир давлат ҳудудидан бошқа давлатга учинчи давлат ҳудудидан ўтиб келаётган товарлар.[19]

## III - боб.

## Ўзбекистон Республикасида қайд этиш натижаларининг таҳлили.

### 3.1. Тиббий техника бўйича қайд этиш натижаларининг таҳлили.

Ишимизнинг бошида бош бошқарма томонидан тақдим этилган ахборот бўлими маълумотлари ва қайд этиш натижалари (Давлат Реестри) ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Барча маълумотлар Microsoft Excel




**Расм-1. Ўзбекистонда қайд этилган тиббий техника, тиббий буюмлар ва ташхис воситаларининг дори воситаларига нисбати**

дастурида ишланди ва Power Point дастурида презентация тайёрланди.

Ўзбекистон фармацевтика бозорида тиббий техника тиббий буюм ва in vitro ташхис воситаларининг умумий сони ўрганиб чиқилди ва уларни дори воситаларига нисбати аниқланди. Улар 33 фоизни ташкил қилди, қолган 67 фоизни дори воситалар эгаллаган. (расм 1)

Мониторинг давомида фармацевтик бозорда қайд этилган, яъни ишлатишга рухсат олинган тиббий техника сонлари таҳлил қилинди ва қуйидаги натижалар олинди [31].

Ўзбекистонда қайд этилган дори воситалари ва тиббий буюмлар Давлат Реестри бўйича тиббий техника, тиббий буюмлар ва ташхис воситалари таҳлил қилинди ва уларни фоиздаги ва сон жиҳатдан улушлари ҳисобланди.

тиббий техника 997-та қайд этилган бўлиб, унга нисбатан тиббий буюмлар эса 694-тани ташкил қилади. ташхис воситаларининг сони 368-та бўлиб, юқоридаги сон кўрсаткичларнинг




**Расм-2. Қайд этилган тиббий техника, тиббий буюмлар ва in vitro ташҳис воситаларининг улушлари.**

Фоиздаги улушлари ҳисобланди. 2-расмда тиббий техника, тиббий буюмлар ва in vitro ташҳис воситаларининг ўзаро нисбати кўрсатилган. Бу ерда кўриб турганимиздек,

бозоримизнинг асосий қисмини (48,4%) тиббий техника эгалламоқда. Ўтган йилларда тиббий техникани моҳияти ошган бўлиб аҳоли саломатлигини аниқлаш, уларга қулайликлар яратиш, ташхис қўйиш жараёнини анча яхшилаш, такомиллаштиришга қаратилган [22].

Кейинги босқичда олинган маълумотлар - қайд этиш жараёнининг статистикаси - тиббий техникаларни йиллар бўйича қайд этилишини ўрганишди ва уни аниқланди (расм-3)

3-расмда кўриниб турибдики маҳаллий фармацевтика бозорида тиббий техникани сони йил сайин пасайиб келмоқда.

Бунга сабаб тиббий техникани олиб бораётган нархларидир.




**Расм-3. Тиббий техникани қайд этиш натижаларини диаграммаси (2009-2013 йиллар)**

тиббий техникани ишлаб чиқарувчилар бўйича таҳлили шуни кўрсатдики энг кўп қайд этган давлатлардан




**Расм-4. Тиббий техникани ишлаб чиқарувчи давлатлар бўйича таҳлил натижалари**

(сон жиҳатдан) – Россия (167-та) - юқори ўринни эгаллаган. Хитой ишлаб чиқарувчилари томонидан 152- ассортиментли позициялар қайд этилган. Германиянинг Реестрида 162 та ўрин қайд этилган ва шунингдек Кореядан 49 та тиббий техника

қайд этилган, Япония - 88, Ақш - 93 позицияни қайд этган ва бошқа ишлаб чиқарувчилар бозоримизга ўзининг маҳсулотини олиб кирмоқда. Ҳаммаси бўлиб 39та давлатнинг тиббий техникаси қайд этилган.[31].

Баъзи давлатларнинг тиббий




**Расм-5. Диаграмма (2009-2013 й.й.) Хитой ишлаб чиқарувчиларининг қайд этган тиббий техникани сон кўрсаткичлари**

техника олиб кираётган сони ошиб бормоқда. масалан, Хитойдан кираётган тиббий техниканинг сони ўсиб боряпти. (5-расм).

Россия ишлаб чиқарувчилари Ўзбекистонда кўплаб тиббий техникани турли ассортиментини қайд этган, лекин бугунги кунда ушбу ишлаб чиқарувчиларнинг қайд этиш натижалари пасайиб бормоқда (6-расм).




**Расм-6.Россия ишлаб чиқарувчиларининг тиббий техникани қайд этиш натижаларининг тахлили**

РФ нинг маҳсулотлари сон жиҳатидан кўп бўлгани билан, қайд этиш натижалари йил сайин пасайиб бормоқда [25].

Германия ишлаб чиқарувчилари

томонидан тиббий-техника жуда кенг ассортименти қайд этилмоқда масалан, клиник-лаборатория анализаторлари.

Ташхис қўйиш рентген-аппаратлари коагуляторлар, гемодиализ аппаратлари, эшитиш аппаратлари (қулоқ учун), мобил кўчирувчи рентген системалари ва бошқа тиббий техникалар қайд этилган.

Дунё бўйича нуфузли Германия ишлаб чиқарувчиларидан Drager Medical AG; Technix SPA; B130 MedizinTechnik AG; NuOVa GmbH; Fresenius medical care AG ва бошқалар Ўзбекистон фармацевтика бозорида ўз ўрнини эгаллаган [24].

Дунё бўйича ўз мавқеига эга тиниқли Япония ишлаб чиқарувчилари ҳам Ўзбекистон бозорига ўзининг тиббий

намунотини олиб борянти.
Буларга колонофиброскоплар „Pentex"; рентген ташхис комплекслари (Shimadzu Corporation); офтальмология жихозлари ва аппаратлари (I nami &Co; Ltd); магнетли резонанс томографлари (Hitachi) ва бошкалар келган.
Россиядан Ўзбекистонга бемор холатини кузатувчи мониторлар, физиотерапия аппаратлари, стоматология жихозлари ва асбоблари, автоклав ва стерилловчи жихозлари, видео эндоскоплар, биологик материалларни ташиш учун сумкалар (совитувчи камералар) ва бошкалар келиб келмокда.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан асосан ҳозирги кунда сони унча кўп бўлмаган тиббий техника - жиҳозлари ишлаб чиқарилмоқда: ёритгичлар, шифохона жиҳозлари (бир ўринли,- роботлар, штативлар, столлар, кроватлар, насилкалар, каталкалар) ҳамда терапия лазер аппаратлари (Вирчамед), гальванотерапия аппаратлари, электрокардиографлар. (7 расм).



7-Расм. **Махаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқарган тиббий махсулоти**

## 32. Тиббий буюмларнинг қайд этиш натижаларининг таҳлили.

Ишларимизнинг кейинги босқичида Ўзбекистонда қайд этилган тиббиёт буюмлар таҳлили ўтказилди.

Тиббий - буюм деганда тиббий мақсадларда ишлатиладиган буюмларга айтилади.

Буларга бўғлов воситалари, жарроҳлик операцияларда ишлатиладиган тикув материаллари, санитария ва (ташхис) шахсий гигиена воситалари болалар учун турли идишлар, бемор парвариши учун буюмлар турли буюмлар, шприц, системалар ва ҳоказолар киради.

Давлат реестрида тиббий буюмлар 32-та дав-

латлардан қайд этилган бўлиб, уларни ичидан энг салмоқли: РФ, Украина, Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Белгия, Қозоғистон, шунингдек Швейтцария, Франция, Корея ва Ўзбекистон.

Тиббий буюмларни йиллар бўйича таҳлил қилинди ва натижалар диаграмма кўринишида келтирилган (8-расм).

Диаграммадан кўриниб турганидек таҳлил қилинган 5 йил давомида натижалар ўсиш суръатини билдиряпти.

Тиббий буюмларнинг қайд этиш натижалари ўсиб бормоқда ва нисбатан 2013 йилда энг юқори кўрсаткичлар қайд этилган.

Бунга сабаб ҳукуматимиз томонидан фармацевтика соҳасига қаратилган эътибори ва бу соҳани ривожлантириш учун ярати-




8-**Расм. Тиббий буюмларнинг йиллар бўйича қайд этиш натижаларинг тахлили**

лаётган шароит ва ўтказилаётган ислоҳотлар. 2007-йилда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан фармацевтик корхоналарда ривожлантириш чора-тадбирлари ишлаб-чиқилган.

тиббий буюмларни давлатлар бўйича контент таҳлил натижалари 9-расмда кўрсатилган.




9-Расм. Қайд этилган тиббий буюмларни давлатлар бўйича тахлил натижалари

Биринчиликни бу ерда Ўзбекистон эгаллайди (139 - позициялар). Кейинги ўринларда Хитой маҳсулоти (101), Россия (86) ва-ҳоказолар. Охирги беш йил давомида республикада тиббий буюмларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар сони ошиб бормоқда.

Умумий фармацевтика соҳасида фаолият юритаётган корхоналар сони бугунги кунда 140 тага етди. [21].

Булар нинг ичидан ўтган бир қисми тиббий буюм ва техника ни ишлаб ички бозоримизда етказиб аҳоли талабини қондирмоқда [ ].

Ҳозирги кунда маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан Sanbonmedsim, Bioneka health, Голенишка кевита, Chashima, Тиббиёт Bint, Elasticum, Витали, Asklepiy-soft ва бошқалар. тиббий маҳсулотларни ишлаб чиқариб аҳоли талабини қондириб келмоқда[23].

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментининг таҳлили бўйича қуйидаги

котилсалар олинди:
Давлат Реестридаги қайд этилган позициялар сонининг каттолиги бўйича „Бинтлар“, „перчатка“ лар биринчи ўрин-ни эгаллаган: „Бинтлар“ – 32 та позиция, „перчатколар“ – 32 та позициялар.
Бинтлар ассортименти тур-лича бўлиб асосан Ўзбекис-тон ишлаб чиқарувчилары томонидан таклиф этилган (90%). қолган 10% ни – Украина, Латвия, Хитой ишлаб чиқарув-чилари томонидан қайд этилган.
Давлат реестрида лейкопластирлар ассортименти ўрганилганда.
Булар 16 та позицияни эгаллаган. Россия, Италия ва Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилари томонидан таклиф этилмоқда.

электроник ва анатомик

кўргазмалар ассортимент позици-

ялари каталоги бўйича

биринчи ўринни эгаллагани

лекин фақат икки хорижий

давлатлардан келтирилади. - Хитой, Германия,

Хиндистон, Россия, Малазия,

Украина, ва бошқалар.

## 3.3. In vitro ташхис воситаларининг қайд этиш натижаларини таҳлили

In vitro ташхис воситалари клиник ташхис лабораторияларнинг техникаси ҳисобланиб қон суюқликларини, ташхис ва таҳлил қилишда кенг қўлланади. Ўзбекистонда ушбу йўналиш охирги йилларда ривожланиб келмоқда.

Дорихоналарда ҳозирги кунда Frau-test baby-test каби ташхис тизимчалар талаби катта.

Давлат Реестрида in vitro ташхис воситалари алоҳида бўлимга ажратиб олинган ва улар 368 та ташкил этади.

Қайд этиш натижаларига кўра булар асосан Россиядан, Германиядан, Исроилдан, Белгиядан олиб келтирилади.

Россия ишлаб чиқарувчилари in vitro ташҳис воситаларни қайд этиш бўйича биринчи ўринни эгаллаган-53 % (153та позиция) кейинги ўринларда бошқа хорижий мамлакатлар.

Ўзбекистон ишлаб чиқарувчилари томонидан in vitro ташҳис воситалари (21-та позиция): экспресс-тестлар наркотик моддаларни аниқлаш учун, экспресс-тестлар вирус гепатит „С", „Б"; зардоблар референс панели ва бошқалар.

Йиллар бўйича қайд этиш натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, 2013 йилда 2009, 2010 йилларга нисбатан қайд этиш натижалари ошган. 2013-йил натижаларига кўра маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг қайд этиш кўрсаткичлари юқори.

## 3.4. Тиббиёт товарларини етказиб бериш

Тиббиёт товарлари истеъмол-чига донолаб (биттадан бўлган кўринишда) ёки тиббиёт тўплам-лар кўринишида бутланган ҳолда етказиб берилади.

Бундан ташқари, буюмларнинг ўзаро боғлиқлигига қараб, улар қаторидан олинган комплекслар ёки мосламалар кўринишида етказиб бериш мумкин. Бундай тўпламлар тарзида етказиб бериш даволаш ёки ташхис клиника мақсадларни жиҳозлашда амалга оширилади.

Тиббий тўпламлар. Даволаш муассасаларини, айниқса, у ердаги ихтисослашган бўлинма-ларни жиҳозлаш мақсадида асбоблар тўпламлари ишлаб чиқарилади. Ҳарбий лик бўлинма-лари учун қуйидаги тўплам-

лар чиқарилади: катта ва кичик мускул, нейрохирургик, кўз жарроҳлиги, катта оториноларингологик, урологик бўлимлар.

Малакали ёрдамни уйда кўрсатиш учун акушерлик ёрдами, сунъий аборт қилиш, стоматологик, тиббий тез ёрдам, травматологик пункт-лар, поликлиника ва бошқалар учун ишлаб чиқарилади.

Поликлиникалар ва амбулаториялар учун турли хил бўлимлар ишлаб чиқарилади: шифокор-терапевтлар, кўз шифохоналари учун махсус бўлимлар (стоматологик хоналар, клиник-ташхис лабораториялари учун) ва ҳоказо.

Хонадонда ёки дала шароитида ёрдам кўрсатиш учун ўртача чемоданлар ва сумкалар (оғирлиги 1-2 кг бўлган) га

жойлашган тўпламлар ишлаб чиқарилади.

Тиббий жарроҳлик буюмлар тўпламлари амалдаги стандартларга мувофиқ ишлаб чиқарилади ва албатта сертификатланган бўлади.

Тўпламга илова қилинадиган техник шартлар (ТШ) да унга кирувчи буюмлар рўйхати, қадоқлаш ва сақлаш талаблари берилади.

Ҳар бир буюм, бутлама ёки тўплам унга илова этилган фойдаланиш ҳужжатлари билан бирга йиғилади.

## IV. Хулосалар.

Ўзбекистон Республикасида қайд этилган тиббий техника тиббий буюм ва in vitro ташхис воситаларининг контент-таҳлили натижасида қуйидагилар аниқланади:

1. Фармацевтик бозорда тиббий техникалар, in vitro ташхис воситаларининг улуши 33% ташкил қилади. Дори воситалар 67 фоизни эгаллаган.

2. Тиббий товарлар ичидан катта улушини тиббий техника эгаллаган бўлиб, Республикага асосан тиббий техникалар хориждан кириб келмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишда асосан Германия, Япония, Россия, Хитой ишлаб чиқарувчиларнинг аппарат ва жиҳозларидан фойдаланилади. Ўзбекистон ишлаб чиқариш

рувчилари шифохона мебеллари
лазер терапия аппаратлари,
гальванотерапия. электрокардиограф -
маларни истеъмолчиларга ишлаб
чиқаряпти.
3. Тиббий буюмлар нисбатан сони
камроқ бўлиб йил сайин
уни қайд этилиши ошиб бормоқ-
да. Охирги беш йил давомида
сони ошиб бориши кузатилади.
Ички бозорга, тиббий буюмлар-
ни маҳаллий ишлаб чиқарувчи-
лар етказиб бермоқда.
4. Тиббий буюмлар ассортимен-
тини таҳлил натижасида қуйи-
даги кўрсаткичлар аниқланди:
- боғлов материаллар ассортименти
кенг турда ишлаб чиқарил-
моқда (бинтлар, дока, лейкоп-
ластир, пакетлар. ва бошқалар).
Ички бозор маҳаллий корхона-
лар томонидан ишлаб чиқа-
рилган маҳсулот билан

тўлдирилмоқда.
- Лекин, баъзи турдаги тиббий буюмлар учун республикада ишлаб чиқариш масаласи аниқланди, масалан, ногиронлик ва анатомик кўрпачалар.
Ушбу буюмларга бўлган талаб фақат импорт маҳсулот ҳисобидан тўлдирилмоқда.
5. in vitro ташхис воситалари-нинг таҳлил натижаларига кўра бу йўналишда импорт маҳсулотлар биринчиликни эгаллаган.
Тест-тизимлар, реагент реактивлар асосан РФ, Германия, Исроил, Бельгия ишлаб чиқарувчилари томонидан қайд этилган бўлиб, истеъмолчи талабини қондирмоқда.
Бу йўналишда катта эмас маҳаллий корхоналар учун катта эмас юқорида келтирилган контент-таҳлил натижаларидан келиб чиқан ҳолда айтиш мумкин.

Фармацевтика бозоримизда таклиф этилган тиббиёт маҳсулот ассортименти йил сайин кенгайиб бормоқда. Бошқарув органлари томонидан яратилаётган қулайликлар ва ишлаб чиқилган чора-тадбирлар туфайли маҳаллий ишлаб чиқариш потенциали ўсиб боряпти.

## V. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. „Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республика қонуни
2. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилдаги қарори.
3. Дремова Н.Б. Медицинское товароведение. Учебное пособие Курск: КГМУ, 2005.-520 с.
4. Дремова Н.Б., Лазарева Е.И. Система маркетинговых исследований лекарственных средств как товара // Фармация -2011.- №3 -с.-14-16.
5. Дрыгов. А.А., Сафин А.Р. Государственный маркетинг как важный фактор совершенствования механизма управления социально-экономическими процессами в общества // маркетинг в России и за рубежом. 2005, №4, с. 101.

6. Голубков Е.П. Организация маркетинга // маркетинг. 2006. №6. с 106 – 108.
7. Васнецова О.А. Практикум по медицинскому и фармацевтическому товароведению Москва „ГЕОТАР – Медиа" 2005. 702 с.
8. Зульфитдинова С.Ш., Содикова Г.Э., Зияева М.Н. Сущность ретроспективного контент анализа лекарственных средств // материалы научно-практической конференции „Интеграция образования, науки и производства в фармации. 2011. с – 115.
9. Зияева М.Н, Тиллаева Г.У., Тулаганов А.А. Современные тенденции стандартизации и контроля качества медицинских изделий // Ўзбекистон фармацевтика хабарномаси. 2005 й. N1. с 18-20.
10. Ziyayeva M.N. Sultonova G.A. Tibbiyot tovarshunosligi. Toshkent „Fan" nashriyoti 2008. 318 b.

11. Ziyayeva M.N. tibbiyot tovarshunosligi. Respublika Oliy va O'rta maxsus ta'lim 1 Vazirligi. Toshkent: Cho'lpon nashriyoti. 2012. 336 b.
12. Николаева М.А. Товароведение потребительских товаров. теоретический основы. Учебник для вузов М. НОРМА. 2004.
13. Каменева Н.Г., Поткова В.А. Маркетинговые исследования: Учебное пособие - М.: Вузовский учебник 2008 г с. 39-45.
14. Микки С.Смит и др. Фармацевтический маркетинг. Принципы. среда. Практика" Москва изд-во Литерра. 2005.
15. Солпова Д.Т. Мадраимова Р.А. контент-анализ номенклатуры железосодержащих лекарственных средств // Фармацевтический журнал. — 2010.- N4.- С. 4-9.

16. Джалилов Ч.К., Ашуров А.А., Эргашева Д.М., Алимова Д.А., Совершенствование системы сертификации медицинской продукции в Республике Узбекистан. Узбекистон фармацевтик хабарномаси, N3, 2007 й. С.-9-11.
17. Дремова Н.Б. Развитие методологии маркетинговых исследований в фармации. // Курский научно-практический вестник „Человек и здоровье", 2005, N1.
18. Умаров С.З и др. медицинское и фармацевтическое товароведение. Учебник 2-е изд, испр., М. ГЕОТАР-Мед. 2005.
19. Хакимов З.З., Зияева М.Н., Тиллаева Г.У., „медицинское и фармацевтическое товароведение". учебное пособие. Ташкент, 2005.
20. Шакиров М.М., Алиев С.У. Зайнутдинов Х.С., Акрамов У.Ж. „Контент-анализ ассортимента ЛС, применяемых при болезнях щитовидной железы // Фармацевтический журнал 2009 N4 с. 11

21. Юсупуратов М. Рост производства лекарственных средств в Узбекистане http://gmpnews.ru/2011/08/rost-proizvodstva-1 s-v-uzbekistane/.

22. Салихов Ш. и др. Доклад Центра экономических исследований и стратегия развития фармацевтической промышленности Узбекистана".

23. Рынок фармацевтики в Узбекистане. Фармацевтический форум для фармработников- w.w.w. PharmForm.ru.

24. info @ medtexnika.uz.

25. w.w.w. Pharm_reg.uz

26. Am pharm .uz

27. Hospitex. uz.

28. Magnum. uz

29. Med reg. uz

30. Pharmax. uz

31. Узбекистон Республикасида қўллашга рухсат этилган дори воситалар ва тиббий буюмлар Давлат Реестри. 2013, №17.